

Узб. 2
33
U-97

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”
фанидан курс ишини бажариш учун

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2019

Узб.2
33
4-97

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси

и.ф.д., проф.Ф.Т. Эгамбердиев ва и.ф.н. Ш.А. Мирзаев,
кат.ўк. О.О. Умаров, ўк. Ф.М.Халматжанов, Х.Х. Эгамбердиев,
ўк. Б.Э. Элмонов


5231700 “Кадрлар менежменти”

5230100 “Иқтисодиёт (тармоклар ва соҳалар бўйича)”
йўналиши талабалари учун

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”

фанидан курс ишини бажариш учун

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент-2019

“Иқтисодиёт назарияси” фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўлланма 5230100 “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” ва 5231700 “Кадрлар менежменти” йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, намунавий ва ишчи ўкув режаси асосида ишлаб чиқилган. Ушбу услубий кўлланмада талабаларга курс ишини мавзулари бўйича топширикни қабул қилиш, уни бажариш учун ижтимоий-иктисодий маълумотларини жамлаш, техник - иқтисодий кўрсаткичлар бўйича режани бажарилишини таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини расмийлаштириш, талаба иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усусларини кўллаш; иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиши, адабиётлар билан ишлаш, ишни ҳимоя қилиш тартиби ва бошқа ташкилий масалалар бўйича ахборот бериш кўзда тутилган.

Такризчилар:

и.ф.д., проф. Х.П. Абулқосимов - ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори;

и.ф.н., Н.Г.Муминов - ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири

Услубий кўлланма Ўзбекистон Миллий университети Ўқув услубий Кенгashi томонидан нашрга тавсия этилган. Баённома № 4. 26.03.2019 й.

1. Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида амалга оширишга оид Давлат Дастурининг учинчи бўлими “Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этиш соҳаси”да миллий ҳисоблар замонавий тизимини 2020 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ жорий этиш; сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш, банкларга сугурта агенти мақомини бериш; юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чораларини кўриш; Ракамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш; солиқ ва божхона имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш; жаҳон озиқ-овқат хавфисизлиги бўйича Рим декларацияси ҳамда биохавфисизлик бўйича Картахен протоколини ратификация қилиш; Инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш, мамлакатда “инвестиция хаб” ларини яратиш; “Концессиялар тўғрисида”ги Конунни қайта кўриб чиқиш; Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришини жадаллаштириш ва бошқалар белгиланган ва маъсуллар тайинланган.

Давлат Дастурининг тўртинчи бўлимида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳаси”да энг кам ойлик иш ҳаки микдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳаки микдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш, ходимларнинг иш ҳаки микдорини ЯТС бўйича тариф коэффициентини ошириш ҳисобига, пенсия, стипендия ва нафақалар микдорини эса - ЯТС бўйича тариф коэффициентларини ошириш кўрсаткичидан келиб чиқиб кўпайтириш; меҳнатга лаёкатли фуқароларнинг бандлиги ва меҳнат фаолиятининг “шахсий тарихи”ни акс эттирувчи “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий комплексини яратиш ва бошқалар белгиланган ва маъсуллар тайинланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантириш бўлими ва тўртинчи Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлимидаги тегишли вазифаларни самарали амалга оширишда “Иқтисодиёт назарияси” фанидан тайёрланган курс ишлари назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, талабаларнинг мавзуга ижодий ёндошувини таъминлайди. Шунингдек, уларнинг ўз устиларида мустакил ишлаш кўннакмаларини орттириб, бакалавр битирув диплом ишини тайёрлашда ўзига хос зина вазифасини ўтайди.

“Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича ишчи ўкув режага асосан 1, 2-семестрлар давомида 96 соат маъруза, 96 соат амалий, 186 соат мустакил таълим, жами 378 соат ажратилган.

“Иқтисодиёт назарияси” фанидан курс иши ўкув дастурига киритилган мавзулар бўйича, шунингдек, фанни чукуррек ўзлаштиришга ёрдам берувчи бошқа мавзулар бўйича тайёрланади.

Курс ишида талабаларнинг олий ўкув юртида таҳсил олиши давомида

тўплаган назарий ва амалий билимлари юзага чиқади, талабанинг назарий билимлар билан куролланиш даражаси, малака ва кўнималарини илмий - ишлаб чиқариш вазифаларини ечишга қай даражада кўллай олиши орқали намоён бўлади.

Курс ишлари мудаффакиятини аниклайдиган мухим ва масъулиятли вазифалардан бири - тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга кўйиладиган умумий талаб - уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар хозирги замон талаблари ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш тенденциялари истиқболларидан келиб чиқиши зарур.

Курс ишини бажариш кўйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Курс иши мавзусини танлаш. Курс ишлари мудаффакиятини аниклайдиган мухим ва масъулиятли вазифалардан бири - тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга кўйиладиган умумий талаб - уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар хозирги замон талаблари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари истиқболларидан келиб чиқиши зарур.
2. Мавзуга доир библиография, меъёрий ва конуний хужжатлар ҳамда йўрікномалар йигиши.
3. Курс иши режасини тузиш.
4. Курс ишига раҳбарлик килувчи профессор-ўқитувчи билан ишлаб чиқилган режани келишиш.
5. Курс ишини белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштириш.
6. Курс ишини ҳимояяга тайёрлаш.

2. КУРС ИШИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Республикамизда амалга оширилаб-тган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бозор инфратузилмаси, яъни бозор иқтисодиётни учун турли хил хизматлар кўрсатувчи соҳалар хусусан, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари, биржалар, аукционлар, божхоналар ва солик ундирувчи органлар фаолиятини ривожланиб бориши илгор техника ва технологияни ҳамда замонавий молиявий-иктисодий билимлар билан бир қаторда тарихимизни чукур ўрганган ҳолда истеъододли, мустакил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, илмий жиҳатдан ҳар қандай назарий ва амалий муаммоларни таҳлил этишга ижодий ёндоша оладиган, уларнинг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш янада мухим ва энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Маълумки, бухгалтер, иқтисодчи ва менежер каби юкори малакали мутахассислар тайёрлашнинг мухим шартларидан бири уларни "Иқтисодиёт назарияси"нинг бозор иқтисодиётни шароитидаги амалий аҳамияти билан яқиндан таништиришдан иборатdir.

Юкоридаги барча талабларни ҳисобга олган ҳолда, талабалар олинган назарий билимлари асосида ушбу фан бўйича курс ишларини ёзалилар.

"Иқтисодиёт назарияси" фани университетнинг 5230100 "Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)" 5231700 "Кадрлар менежменти" йўналиши

талабаларига тасдиқланган ўкув дастури асосида ўқитилади.

Ўкув дастурининг таркиби қисми бўлган курс иши 1 курснинг 2- ярим йиллигидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Хукумат карорлари, Молия вазирлигининг билдириш хатлари, миллий ҳамда халқаро андозалар ва шу каби меъёрий хужжатлар, дарслик ҳамда ўкув кўлламмалар, интернет материаллари асосида кенг ёритилиб ёзилади.

Курс иши талабаларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш, шахсий фикрлаш қобилиятини ўстириш ва унга ижодий ёндошган ҳолда ёзма равишда мавзуни баён эта олиши кўнималарини шакллантириш мақсадида тайёрланади. Курс ишини ёзиш жараённида эҳтимол дарсларда ҳам кўриб чиқилмаган масалаларга дуч келиб қолиниши мумкин. Бу масалаларни раҳбар билан бирғалиқда ечиб, муаммо ҳал этилиши ва билим даражаси янада чукурлаштирилишига имкон яратади.

Талабалар курс ишини танланган битта мавзу бўйича ёзадилар. Бироқ, улар танланган мавзу билан чекланиб қолмасликлари керак. Курс ишини ёзиш мобайнида унинг билан боғлиқ бўлган бошқа фанлар ёки мавзулар доирасида ҳам фикрлар берилиши лозим бўлади. Бу эса курс ишини тўлақонли бажарилишини таъминлайди.

3. КУРС ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ.

Талабаларга «Иқтисодиёт назарияси» фанидан курс иши мавзулари белгиланган тартибда ушбу кўрсатмада кўрсатилган мавзулар асосида берилади. Талабалар ўзларини қизиқтирган мавзуни курс иши мавзулари рўйҳатидан танлаб олишлари мумкин. Бунда магистрлик диссертация мавзусига яқинроқ бўлган мавзу танлансанга максадга мувофиқ бўлади. Танланган курс иши мавзуси асосида курс ишини тайёрлаш учун руҳсат йўналиши бўйича кафедра мудири номига ариза ёзиш орқали расмийлаштирилади. Ариза намунаси 1-сонли иловада келтирилган.

Талабалар танлаши ҳамда мазкур мавзу асосида «Иқтисодиёт назарияси» фанидан ёзишлари мумкин бўлган курс иши мавзулари кўйида келтирилган. Мавзу ҳар бир талаба учун алоҳида-aloҳида белгиланади.

Масалан: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал сектор корхоналарининг инвестицион фаолиятини амалга ошириш»

Курс ишини ёзишдан олдин курс иши мавзуси бўйича керакли адабиётлар йигилади ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида курс иши режаси тузилади. Курс иши ёзиш бўйича режани тузиш намунаси 3-иловада келтирилган.

Курс ишини ёзиш кўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Танланган курс иши мавзуси бўйича адабиётлар рўйҳатини тузиш ва мавзуга доир назарий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
2. Берилган (танланган) мавзу бўйича курс иши режасини тузиш;
3. Курс ишини ёзишда олдига кўйилган мақсадга мувофиқ амалий маълумотлар, керакли молиявий ҳисбот шакллари нусхалари, ҳисоб-китоблар, журнallар, газета ва интернет материалларини тўплаш,

уларни қайта ишлаш, жадваллар тузиш ва таҳлил қилиш;

4. Юкоридаги тўпланган материаллардан фойдаланган ҳолда курс ишини ёзиш;

5. Курс ишини химояга тайёрлаш ва уни химоя қилиш.

4. КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ДАВОМИДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Курс ишини ёзишда қуидагиларга амал қилинади:

1. Курс иши камида 30-35 бетдан иборат бўлиб, талабанинг ўз кўли билан ёки компьютерда аник, ва дона-дона қилиб ёзилиши зарур. Белгиланган варагдан ортиқаси чегараланмайди. Бетлар титул варагидан бошлаб охирги варакгача изчил кетма-кетликда ракамланади. Курс ишининг саҳифасининг бир томонига йўл чети (поля) қолдириб ёзилади: чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юкоридан 20 мм, паст томондан 20 мм. Ҳар бир саҳифага 28-30 сатр жойлаштирилади. Курс ишининг ҳар бир саҳифаси рақамланиши керак. Тартиб рақам саҳифанинг пастки қисмига сатрнинг ўртасига қўйилади, 2 рақамидан бошланади (титул варагига 1 рақами қўйилмайди). Агар курс иши компьютерда тайёрланган бўлса унинг матни қоида тарикасида Times New Roman 14 ўлчамли шрифт, 1,5 интервал оралиғида, хат боши 1,27, энгина текисланган ҳолда ёзилади.

Курс ишининг мундарижаси, кириш қисми, асосий қисм параграфлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва бошқа таркибий қисмлари янги бетдан ёзилади. Таркибий қисмларнинг бош сарлавҳалари бош ҳарфларда ёзилади ва рим рақамлари билан тартибланади. Параграфлар араб рақамлари билан рақамланиб, сарлавҳаларга эга бўлади. Бобларга, мос тартибда кўрсатилади (масалан: 1.1, 1.2; 2.1, 2.2). Параграфлар сарлавҳаларининг юкори ва пастки қисмидан 12 ўлчамли оралиқ қолдирилиши керак.

2. Курс иши матнда фойдаланилган адабиётлардан олинган материалга ҳавола сатр ости эслатмаларида келтирилиши керак. Ҳаволада олинган материал, рақам ва сўзлар кесма қавсда саҳифа рақами билан берилади. Масалан: [5; 25 б.] Сурат, фотосурат, график, чизма, диаграмма ва шу кабилар “расм” сўзи билан ифодаланиб, улар варагда кўриш учун кулаг жойлаштирилиши керак. Курс ишининг таҳлилий қисмидаги рақамли материаллар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Расм ва жадваллар албатта номланиши керак, изчил кетма-кетликда рақамланади. Расмнинг номи унинг остига, жадвалнинг номи унинг устига ёзилади (4-5-иловалар). Матн ичидаги жойлашган тегишли жадвал, расм таҳлили ёзилган гап охирига қавс ичидаги жадвал, расмнинг тегишли тартиби ёзилиб борилади. Масалан: (1-расм); (2-жадвал). Агар жадваллар 1 саҳифадан ортиқ бўлса иловага ўтказилади. Ишда формуладан фойдаланилганда “Microsoft Word” матн редакторининг “Формула” функцияси ёрдамида аник ёзилиши ва ҳар бир формула изчил кетма кетликда, формуланинг ўнг томонидаги қавс ичидаги рақамланади (6-илова).

Формулалар учун куйидаги белгиларнинг ўлчамларини ишлатиш тавсия этилади:

бош ҳарфлар ва рақамлар 5-6 мм;

кичик ҳарфлар камида 3 мм;

даражада индекслар камида 2 мм.

Формулани белгилаш тўғридан-тўғри формулалар кетма-кетлиги бўйича белгиланади. Ҳар бир формуланинг киймати янги сатрда берилishi керак. Маълумотларнинг биринчи қаторлари сўз билан бошланади - № белгисидан кейин икки нукта қўйилмайди.

Формулалар матндан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юкори ва пастки қисмларида 12 шрифт оралиғида бўлиши керак.

Тенглама битта сатрга тўғри келмаса, колган қисмлари «=» тенг, «+» кўшув, «-» айриш, «×» кўпайтириш ва «÷» бўлиш белгилари билан давом эттирилади.

Формуланинг жойлашган қисми тартиб рақами билан формуланинг ўнг томонида кўрсатилади (масалан: (1)).

3. Курс иши талаба томонидан мавзу танлаб олинган кундан бошлаб ўкув семестри тугашига 10 қолгунга қадар кафедрага тақдим этилади. Курс иши мавзусини танлаш ушбу курс бўйича назарий машгулотлар бошланган кундан бошланади. Тақдим этилган курс ишлари 10 кун муддат ичидаги профессор-ўқитувчилар (камидаги 3 кишидан иборат комиссия) томонидан кўриб чиқилиб, мазкур курс ишига такриз ёзилади. Агарда ёзилган такриз ижобий бўлса талаба курс иши химоясига тавсия этилади. Аксинча, такриз ёзилиши мобайнида камчиликлар аниқлансан, ишни қайта ишлаш учун кайтарилади. Қайта ишлаш муддати талаба томонидан 10 кун муддат ичидаги амалга оширилади. Ҳар бир талаба ўз ишини алоҳида химоя қилади. Бошқалардан кўчириб олинган, бир хил мавзуда ёзилган курс ишлари «Қоникарсиз» деб ҳисобланади. «Қоникарсиз» баҳоланган иш химояга қўйилмайди. Бундай ҳолатда кафедранинг қарорига мувофик янги мавзу талабага биринчириб кўйилади ва ушбу мавзу бўйича талаба янги курс ишини бажариши керак. Агар шунда ҳам курс иши ижобий баҳоға химоя қилинмаса талаба ўзлаштира олмаётган талаба сифатида талабалар сафида чиқарилиши мумкин.

4. Курс ишига 2-иловада кўлтирилган кўринишдаги титул варак тўлдирилади.

5. Курс ишини ёзишда бир қатор адабиётлар, интернет сайтлари, газета ва журналлардан фойдаланиш тавсия этилади. (7 - илова)

5. АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Курс иши мавзуси ва режаси аниқлангандан сўнг адабий манбалар танланади ва библиографияси тузилади. Таҳлил ўтказиши жараённада ишлатиладиган корхона маълумотларини қайси бўлим ва ҳисоботлардан олинганлиги кўрсатилиши лозим. Курс ишини бажаришда ва ундан аник натижага олишини таъминлаш мақсадида интернет маълумотларига кенг зътибор қаратиш лозим.

Асосий адабиётлар

1. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иктисодиёт назарияси: Дарслик; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 728 б.
2. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд.-М.:ИНФРА-М, 2009.
3. Нигматжанов У.Х. Экономическая теория. Учебник. М.: "Иктисад-Молия" 2010.
4. Хошимов П.З., Умаров К.Ю. ва бошқ. Иктисодиёт назарияси (Лотин). Ўкув кўлланма. Т.: "Университет" 2006.
5. O'limasov A., Vahabov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. T.: "Sharq" 2006.
6. Умаров К.Ю. и др. Экономическая теория. Учебное пособие для неэкономических факультетов и вузов. Т.: «САНО-СТАНДАРТ», 2011.
7. Ўлмасов А., Вахобов А. Иктисодиёт назарияси. Дарслик -Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2014.
8. И.К.Станковская, И.А.Стрелец. Экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2009. – 448 стр.
9. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямыс», 2009. – 1360 стр.
10. O'limasov A., Vahabov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. T.: "Sharq" 2006.
11. Shodmonov Sh., Gafurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. T.: «Фан ва технология» нашриёти 2005.
12. Egamberdiyev F.T. "O'quv qo'llanma/ F.T.Egamberdiyev, S.R.Topildiyev, J.X.Hamroqulov; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi. Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti-Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2014, -224 b."
13. Xoshimov P.Z., Umarov K.Yu. va boshq. Iqtisodiyot nazariyasi. O'quv qo'llanma. Т.: "Universitet", 2006.
14. Mc Connell, Campbell R. Economics: principles, problems, and policies / Campbell R. Mc Connell, Stanley L. Brue. – 17th ed. 2008. 876 p.

Кўшимча адабиётлар

1. Экономика: Учебник. 2 изд. По. Ред. Доц. Булатова. М.: «Бек» 1997.
2. Менкью Н.К. Макроэкономика. Пер. с англ. Гл. 12-16. М.: «Высшая школа» 1994.
3. Экономика переходного периода. Учебное пособие. Под. Ред. Радаева. гл. 10-12. М.: изд. МГУ. 1995.
4. Введение в рыночную экономику. Учебное пособие для экономических вузов. По. Ред. Лившица. Гл. 4,6,7,12,14, 18,19. М.: «Прогресс» 1994 й.
5. Йўлдошев Ю.К. Иктисодиёт назарияси. Услубий кўлланма. Т.: 2010.
6. Умаров К.Ю., Сапаров Т.О. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр соҳада тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш. Т.: «Университет» 2001.
7. Umarov K.Yu., Xoshimov P.Z. va boshq. Iqtisodiyot nazariyasi. O'quv qo'llanma. Т.: "Universitet", 2005.
8. Вахобов А.В., Худякова Н.К. «Международные валютно-кредитные и

финансовые отношения» Учебное пособие в 2-х ч. Т.: 2003 г.

Интернет сайтлари

1. www.economics.ru
2. www.ved.ru
3. www.cer.uz- Иктисадий тадқиқотлар маркази сайти;
4. www.uzreport.com - Ўзбекистон янгиликлари;
5. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси сайти;
6. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали;
7. www.ziyonet.uz - Ўзбекистон Республикаси электрон кутубхонаси.

6. КУРС ИШИНИНГ МАЗМУНИ

Курс иши режаси талаба танланган мавзудан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Курс иши куйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

1. Мундарижа
2. Кириш
3. Мавзуни назарий асослаш
4. Асосий қисм
5. Хулоса, тақлиф ва маслаҳатлар
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
7. Иловалар

Курс ишининг мундарижасида боб ва параграфларнинг номланиши ҳамда уларнинг бети кўрсатилиади.

Курс ишининг “Кириш” қисмида Республикаимиз иктисадиётида бўлаётган ислоҳотлар, муаммо ва ютуклар бевосита мавзуга боғланиши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида реал сектор корхоналарини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда турли Мулкчилик шаклидаги корхоналарни ривожлантириш стратегиясининг аҳамияти ва хусусиятлари қисқа, аниқ ва равон тилда ёритилиши ҳамда мавзунинг долзарбилиги асосланиши лозим.

“Назарий қисм”да танланган мавзуу, хусусан реал сектор корхоналари фаолиятига баҳо берадиган техник - иктисадий кўрсаткичларнинг бир - бирни билан боғликлиги, асосий натижавий кўрсаткичга таъсир қиладиган омилларни аниқлаш, уларни таъсирини ҳисоб - китобини аниқлашда кўлланиладиган усул ва услубиятларни мазмунни ва кўлланилиш йўлларини келтириш керак. Бунда мамлакатимизда чоп этилган ва хорижий адабиётлар маълумотларидан фойдаланиши тавсия этилади. Шунингдек, бирор хорижий корхонани ривожлантириш стратегиясини ёритиб чиқилса янада мақсадга мувофиқ бўлади.

“Асосий қисм” да курс иши мавзусида кўйилган масалани комплекс таҳлил килиб кўрсаткичлар бўйича тузилган режани бажарилиш даражасини мантикий кетма-кетлиқда таҳлил килиш уларни ўзгаришига таъсир қилган биринчи даражали салбий, ижобий омиллар таъсирини аниқ ҳисоб-китоб килиш ва заруриятта қараб салбий омилларга таъсир қиладиган иккинчи

даражали омилларни ҳам таҳлил қилиш, муайян объект мисолида ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш йўналишларини аниқлаш талабанинг билим даражасини чукурлаштириш имконини беради.

Хулоса, таклифлар ва мулоҳазалар қисмида талаба курс иши мавзуси бўйича тўпланган материаллар, таҳлилий натижалар ва эришилган ечимлар асосида мустақил равишда киска хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқади ҳамда байён этади.

Фойдаланилган адабиётлар қисмида курс ишини бажариш давомида фойдаланилган дарслклар, ўкув қўлланмалар, илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар, илмий анжуман материаллари, статистик маълумотлар ҳамда бошқа манбалар аник кўрсатиб чиқилиши лозим.

7. “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

Курс иши фан мавзуларига таалукли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли (вариантланган) топширик шаклида 2-семестрда берилади. Курс ишининг ҳажми 30 бетдан кам бўлмаслиги, А-4 форматдаги варакларда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши лозим. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўнкма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши мавзулари

1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши ва ундаги асосий таълимотлар.
2. Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг таркиби ва туркумланиши.
3. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мазмуни, кўрсаткичлари ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.
4. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари.
5. Мулкчилик муносабатларининг мояхияти ва уларнинг хукуқий-иқтисодий жиҳатлари.
6. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ва вазифалари.
7. Қиймат тўғрисидаги турли хил назариялар.
8. Пул тўғрисидаги турли хил назариялар ва ҳозирги замон пулининг табиати.
9. Бозор иқтисодиёти, унинг шаклланиши ва ривожланиш шарт-шароитлари.
- 10.Бозор механизми, унинг таркибий қисмлари ва амал қилиши.
- 11.Бозор инфратузилмаси ва унинг асосий унсурлари.
- 12.Бозор мувозанати ва унинг турлари.
- 13.Монополиянинг мояхияти ва турлари.
- 14.Ўзбекистонда ракобатчилик мұхитининг вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчиликнинг амал қилиши.
- 15.Ракобатнинг турли моделларида нархнинг шаклланиш хусусиятлари.
- 16.Ўзбекистонда нарх сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

- 17.Қимматли қофозлар, уларнинг турлари ва амал қилиши.
- 18.Тадбиркорлик капиталининг мояхияти ва унинг турлари
- 19.Менежмент ва унинг тамойиллари.
- 20.Маркетинг, унинг вазифалари ва турлари.
- 21.Фойда ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
- 22.Корхона фойдасининг тақсимланиши ва ишлатилиши.
- 23.Ягона тариф тизими, унинг мақсади ва вазифалари.
- 24.Мехнат муносабатлари ва уларнинг Ўзбекистонда тартибга солиниши.
- 25.Касаба уюшмалари ва уларнинг асосий вазифалари.
- 26.Аграр муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 27.Миллий иқтисодиёт, унинг таркибий тузилиши ва макроиқтисодий кўрсаткичлари.
- 28.ЯММ ва ЯИМ, уларни ҳисоблаш усууллари.
- 29.Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари.
- 30.Ялпи талаб ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
- 31.Ялпи таклиф ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
- 32.Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, турлари ва уларнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
- 33.Жамғарма ва инвестициялар ўргасидаги мутаносиблик ва нисбатлар
- 34.Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари.
- 35.Иқтисодий ўсиш моделлари.
- 36.Миллий бойлик, унинг таркиби ва кўпайтириш омиллари.
- 37.Макроиқтисодий нисбатлар ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 38.Иқтисодий мувозанатликнинг мояхияти ва унга эришиш йўллари.
- 39.Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари.
- 40.Иқтисодиётнинг циклигига тўғрисида турлича назариялар.
- 41.Иқтисодий инқирозлар, уларнинг турлари ва намоён бўлиш хусусиятлари.
- 42.Ўзбекистонда ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.
- 43.Ўзбекистонда ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг тадбирлари.
- 44.Давлатнинг молиявий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
- 45.Ўзбекистонда молия бозорининг шаклланиши.
- 46.Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидағи депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.
- 47.Ўзбекистонда давлатнинг пул-кредит сиёсати, унинг дастаклари ва амалга ошириш воситалари.
- 48.Пул муомаласи қонуни ва унинг амал қилиши.
- 49.Инфляция, унинг келиб чиқиши ва оқибатлари.
- 50.Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиши назариялари.
- 51.Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлаш.
- 52.Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва давлатнинг ижтимоий сиёсати.
- 53.Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, босқичлари ва асосий белгилари.
- 54.Халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг зарурлиги.

даражали омилларни ҳам таҳлил қилиш, муайян объект мисолида ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиши йўналишларини аниклаш талабанинг билим даражасини чуқурлаштириш имконини беради.

Хулоса, таклифлар ва мулоҳазалар қисмида талаба курс иши мавзуси бўйича тўплланган материаллар, таҳлилий натижалар ва эришилган ечимлар асосида мустақил равишда кисқа хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқади ҳамда баён этади.

Фойдаланилган адабиётлар қисмида курс ишини бажариш давомида фойдаланилган дарслклар, ўкув кўлланмалар, илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар, илмий анжуман материаллари, статистик маълумотлар ҳамда бошқа манбалар аниқ кўрсатиб чиқилиши лозим.

7. “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли (вариантланган) топширик шаклида 2-семестрда берилади. Курс ишининг ҳажми 30 бетдан кам бўлмаслиги, А-4 форматдаги варакларда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши лозим. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўнишка ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши мавзулари

1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши ва ундаги асосий таълимотлар.
2. Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг таркиби ва туркumlаниши.
3. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мазмуни, кўрсаткичлари ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.
4. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари.
5. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва уларнинг хукукий-иктисодий жиҳатлари.
6. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ва вазифалари.
7. Киймат тўғрисидаги турли хил назариялар.
8. Пул тўғрисидаги турли хил назариялар ва ҳозирги замон пулининг табииати.
9. Бозор иқтисодиёти, унинг шаклланиши ва ривожланиш шарт-шароитлари.
10. Бозор механизми, унинг таркибий қисмлари ва амал қилиши.
11. Бозор инфратузилмаси ва унинг асосий унсурлари.
12. Бозор мувозанати ва унинг турлари.
13. Монополиянинг моҳияти ва турлари.
14. Ўзбекистонда ракобатчилик мухитининг вужудга келиши ва монополияга карши қонунчиликнинг амал қилиши.
15. Ракобатнинг турли моделларида нархнинг шаклланиш хусусиятлари.
16. Ўзбекистонда нарх сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

17. Қимматли қофозлар, уларнинг турлари ва амал қилиши.
18. Тадбиркорлик капиталининг моҳияти ва унинг турлари.
19. Менежмент ва унинг тамойиллари.
20. Маркетинг, унинг вазифалари ва турлари.
21. Фойда ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
22. Корхона фойдасининг тақсимланиши ва ишлатилиши.
23. Ягона тариф тизими, унинг мақсади ва вазифалари.
24. Мехнат муносабатлари ва уларнинг Ўзбекистонда тартибга солиниши.
25. Касаба ўюшмалари ва уларнинг асосий вазифалари.
26. Аграр муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
27. Миллий иқтисодиёт, унинг таркибий тузилиши ва макроиктисодий кўрсаткичлари.
28. ЯММ ва ЯИМ, уларни хисоблаш усуллари.
29. Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари.
30. Ялпи талаб ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
31. Ялпи таклиф ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
32. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, турлари ва уларнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
33. Жамғарма ва инвестициялар ўргасидаги мутаносиблик ва нисбатлар.
34. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари.
35. Иқтисодий ўсиш моделлари.
36. Миллий бойлик, унинг таркиби ва кўпайтириш омиллари.
37. Макроиктисодий нисбатлар ва унга таъсир этувчи омиллар.
38. Иқтисодий мувозанатликнинг моҳияти ва унга эришиш йўллари.
39. Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари.
40. Иқтисодиётнинг циклигига тўғрисида турлича назариялар.
41. Иқтисодий инкизозлар, уларнинг турлари ва намоён бўлиш хусусиятлари.
42. Ўзбекистонда ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.
43. Ўзбекистонда ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг тадбирлари.
44. Давлатнинг молиявий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
45. Ўзбекистонда молия бозорининг шаклланиши.
46. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларида депозитларга жалб қилишни рагбатлантириши.
47. Ўзбекистонда давлатнинг пул-кредит сиёсати, унинг дастаклари ва амалга ошириш воситалари.
48. Пул муомаласи қонуни ва унинг амал қилиши.
49. Инфляция, унинг келиб чиқиши ва оқибатлари.
50. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари.
51. Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришининг иқтисодий асосини мустаҳкамлаши.
52. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва давлатнинг ижтимоий сиёсати.
53. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, босқичлари ва асосий белгилари.
54. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг зарурлиги.

- 55.Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, турлари ва объектив асослари.
- 56.Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириб бориш муаммолари.
- 57.Халқаро савдо, унинг турлари ва тартибига солиш механизми.
- 58.Ўзбекистон ташки савдо муносабатлари географиясининг сифат жиҳатидан ўзгариб бориши.
- 59.Халқаро валюта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.
- 60.Халқаро капитал бозори ва унинг ривожланиш асослари.
- 61.Жаҳоннинг глобал иқтисодий муаммолари.
- 62.Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши.
- 63.Ўзбекистонда эркин иқтисодий худудларнинг яратилиши.
- 64.Россия ва Ўзбекистон иттифоқчилик муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши.
- 65.Евро Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари учун аҳамияти.

Изоҳ:

1. Талабалар курс иши мавзуларини семестр бошида мустақил равиша таълидилар.
2. Курс ишида мавжуд ва фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг маълумотларидан таҳлил манбаи сифатида фойдаланилиши шарт. Фойдаланилган маълумотлар манбаи курс ишига иловга қилинади.
- 3.Курс иши муддатида топширилиши шарт. (муддат семестрининг 18-19 хафталари)
- 4.Курс иши чоп этилган ва электрон вариантлари топширилади (электрон вариант антиплагиат программасида текширилади).

Иқтисодиёт факультети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири,
доц. Н.М. Муминовга
талаба _____ дан

Ариза

Аризамнинг мазмуни шундан иборатки, менга “Иқтисодиёт назарияси” фанидан “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида реал сектор корхоналарининг инвестицион фаолиятни амалга ошириш” мавзусида курс ишини ёзишга рухсат беринингизни сўрайман.

Сана

Имзо

Ф.И.Ш

Мундарижа

3

Кириш.....	
1.Реал сектор корхоналарининг инвестицион фаолиятининг хуқукий асослари.....	6
2.Реал сектор корхоналарида инвестицион фаолияти амалга оширишнинг хориж тажрибаси.....	14
3.Реал сектор корхоналарига тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш.....	22
4.Ишлаб чиқариш корхонасининг инвестицион фаолият кўрсаткичлари тахлили.....	30
 Хулоса ва таклифлар.....	38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	43
Иловалар.....	48

2-ИЛОВА.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

(Бош ҳарфларда, 12 шрифт, қалин, марказда, сатрлар оралиги -1 интервалда, биринчи каторнинг остки қисмининг интервали-0)

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

(Бош ҳарфларда, 12 шрифт, қалин, марказда, сатрлар оралиги -1 интервалда, биринчи каторнинг остки қисмининг интервали-0)

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

(Бош ҳарфларда, 12 шрифт, қалин, марказда, сатрлар оралиги -1 интервалда, биринчи каторнинг остки қисмининг интервали-0)

«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» КАФЕДР АСИ

(Бош ҳарфларда, 12 шрифт, қалин, марказда, сатрлар оралиги -1 интервалда, биринчи каторнинг остки қисмининг интервали-0)

КУРС ИШИ

(Бош ҳарфларда, 28 шрифт, қалин, марказдан, саҳифанинг ўртасидан 1 интервалда)

**Мавзу: ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

(“Курс иши” деган сўзлардан пастда, “мавзу” деган сўзлардан кейин, саҳифанинг марказида бир ёки бир нечта сатрдан иборат, 24 шрифтда, бош ҳарфларда («мавзу» сўзлари 14 шрифт, кичик ҳарфларда), марказдан, биринчи сатрни интервали - 0 см; сўзлар ва кўшимчаларнинг қискартирилишига йўл кўйилмайди).

Бажарди: исм, шарифнинг бош ҳарфлари ва фамилия, ўкув курси, гурӯҳ раками, ўкув шакли

(иккита сатрда, 1 интервалда, 14 шрифтда, саҳифанинг ўнг қисмида КИ мавзусидан пастда уч катор)

Қабул қилди: илмий даража, илмий унвон, исм, шарифнинг бош ҳарфлари ва фамилия.

(иккита сатрда, 1 интервалда, 14 шрифтда, саҳифанинг ўнг қисмида КИ мавзусидан пастда уч катор)

Баҳо учун жой

(пастки қисмида, саҳифанинг ўнг томонида)

**Тошкент-2019
Шаҳар ва йил**


(саҳифанинг пастки қисмида, марказда)

4-ИЛОВА.
(Намуна учун)
1-жадвал

Асосий капиталга сарфланган инвестицияларнинг молиялаштириши
манбалари (% хисобида)¹

Молиялаштириш манбалари	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2017 йилда 2000 йилга нисбатан Ўзгарниш
Бюджет маблаглари	29,2	12,2	5,6	4,5	4,5	4,5	5,5	-23,7 ф.п.
корхона ва аҳоли маблаглари	39,1	57,5	49,0	54,7	52,9	53,0	43,9	4,8 ф.п.
банк кредитлари ва бошқа карз маблаглари	7,2	3,8	9,7	11,2	11,8	11,1	11,0	3,8 ф.п.
чет эл инвестицияси	23,2	21,7	28,3	19,8	19,9	21,3	26,9	3,7 ф.п.
бюджетдан ташқари фондлар	1,3	4,8	7,4	9,8	10,9	10,1	12,7	11,4 ф.п.

5-ИЛОВА.
(Намуна учун)



1-расм. Ракобатбардошликиң таъминловчи асосий элементлар²

¹ Йиллик статистик түплам Т.: 2007;2013.252,257, 265-б. Ўзбекистонда курилиш Статистик түплам Т.: 2017. 31-б. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси Т.:2018. 62-б. Матъумотлари асосида
муаллиф томонидан хисобланды.


²Review of Competitiveness Frameworks-Harvard Business School
<https://www.hbs.edu/.../Review%60of%20Competitiveness%>

6-ИЛОВА.
(Намуна учун)

$$Y(t) = A(f)K(t)^aL(t)^a \quad (2.2.)$$

бунда $0 < a < 1$

Шу сабабдан, $y = \frac{Y}{L}$, $k = \frac{K}{L}$, бунда y — ишлаб чиқариш, k — бир ишчига түгри келувчи капитал бўлиб, $y = f(k)$ тенглик ўринли бўлади.



1.2 - расмдан кўринадики, ишлаб чиқариш функциясининг оғиш бурчаги тангенсси капитал билан таъминланганлик даражасини камайтириб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги №719-1 Қонуни, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги №6094 Қонуни, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПК- 927 - сонли «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - Тошкент, 2008.-№29-30.-Б. 21-23.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - Тошкент, 2008. - №47.-Б. 3-5.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 7.02.2017 йилдаги №ПФ-4947 сонли Президент Фармони.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017.488-6.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 80-6
8. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. - Тошкент: “Академия”, 2012. - 455 6.
9. Амосов А. Как преодолеть отставание в развитии // Экономист 2013 №4- С. 19-26
10. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики Учебное пособие. -Тошкент: “Иқтисод- Молия”, 2014.-200 с.
- И. Гельман В. Авторитарная модернизация: каковы ее перспективы в России [Электронный ресурс] / 2008. <http://www.eu.spb.ru>
- 12.Махмудова Г.Н. Инвестициялар - иқтисодий барқарор ўсиш омили сифатида // Иқтисод ва молия журнали. 2013. № 9.- Б. 32-35.
13. Makhmudova G.N. Investments - the main source of financing economic modernization // Journal of Management Value & Ethics Vol.8, Num XII Issue IX, 2017. P. 25-35
14. Сейтмуратов Р.А. Модернизация общества и структурное обновление экономики Республики Ўзбекистон. - Т.: Государственное научное издательство «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 140 с.
15. Сейтмуратов Р. А. Приоритетные направления модернизации экономики

- в условиях углубления экономических реформ: Автореф. дис. на соискание ученой степени докт. экон. наук. — Т.: 2012. - 43 с.
- 16.Таций В., Томберг И. Прямые инвестиции Китая: политика и экономика // Мировая экономика и международные отношения. 2012. №6. - С. 74-79.
 17. Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистона: монография/ Ташкент: IFMR, 2014. - 316 с.
 18. Romer P. Endogenous Technological Change // Journal of Political Economy. 1990. №5. - P. 71-102.
 19. Rostow W. Politics and the Stages of Growth. The University Press. 1971. - 428 p.
 - 20.Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси Т.: 2018. – 198 6.
 21. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайта
 - 22.www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти

Библиография к док. др.канд. филологиялык ғылымдардың кандидаты/Кандидатура
Мундарижа

1. Кириш.....	3
2. Курс ишини мақсади ва вазифалари.....	4
3. Курс иши мавзусисини танлаш тартиби.....	5
4. Курс ишини ёзиш давомида қўйиладиган талаблар.....	6
5. Адабиётлар билан ишлаш.....	7
6. Курс ишининг мазмуни.....	9
7. Курс иши мавзулари.....	10
8. Иловалар.....	13

Библиографияни "2017-2021 йиллардаги таҳсилотга оғизий тартиб"да устувор тартибига ороғанинг түргасидаги 7.02.2017 йили таҳсилотни тақдизга оғизди.

Библиографияни тақдизига көрсетилген маддәларни аниқланбайтказишган билдирилган - С. Ахмадов, №47-485-б.

Маддәларни Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевимиз тақдизига оғизди. - Ташкент. Ўзбекистон,

2017 йили 2021 йиллардан чархидаги маддий бойор за давлат "Гуломат", "Амандар", 2012.-459 с.

Концепцияни тақдизишини резюме // Эндижонов 2013 №4-

Маддәларни Узбекистон Республикаси Учбонкодар министрлигинин "Бошчи" 2014, 200 с.

Маддий таҳсилотни тақдизига көрсетилген маддий тартибига оғизди. 2017 йил. Узбекистон

Маддий таҳсилотни тақдизига көрсетилген маддий тартибига оғизди. 2017 йил. Узбекистон

Маддий таҳсилотни тақдизига көрсетилген маддий тартибига оғизди. 2017 йил. Узбекистон

Босишига руҳсат этилди 21.05.2019. Ҳажми 1.25 босма табоқ.

Бичими 60x84 1/8. Адади 100 нусха. Буюртма 91.

М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.